БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 21 (11770). | Чоршанба, 25 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳамиша партиямизнинг диққат марказида туриши лозим. Яхши ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл бўлмаса социалистик экономиканинг равнақ топиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтириш учун кураш — коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир, бу ҳақиқатан умумхалқ ишидир.

(КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1961 йил 18 январда қабул қилган қароридан).

# Пахтага кенг йўл очиб берилсин!

ПАХТАЧИЛИК РАЙОНЛАРИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН БИРИНЧИ ГАЛДА ПАХТА ЭКИШ УЧУН ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ. ПАХТА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ЭНГ ФОЙДАЛИ ЭКИНДИР. БУ ЭКИННИ ЯХШИ БИЛАДИГАН КИШИЛАР МЕНИНГ ИЛТИМОСИМГА МУВОФИҚ, ШУНДАЙ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛДИЛАР.

БИР ГЕКТАР ЕРДАН 20 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА ОЛИНГАНИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ МУМКИН:

4 МИНГ 840 МЕТР ГАЗЛАМА,

172 КИЛОГРАММ ПАХТА МОЙИ,

452 КИЛОГРАММ ҚУНЖАРА,

30 КИЛОГРАММ КИР СОВУН,

70 КИЛОГРАММ ЛИНТ (МОМИҚ),

160 КИЛОГРАММ УРУҒЛИК ЧИГИТ.

БИР ГЕКТАР ЕРДАН ОЛИНГАН МАҲСУЛОТНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАН ТУШАДИГАН БУТУН ДАРОМАД ЯНГИ НАРХЛАРДА 4.540 СЎМНИ, ПАХТА ЕТИШТИРИШ ВА УНДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТГА БЎЛАДИГАН ҲАММА САРФЛАР ЭСА 1762 СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН ТУШАДИГАН СОФ ФОЙДА ЯНГИ ПУЛ ҲИСОБИДА 2778 СЎМНИ, ЁКИ ЭСКИ ПУЛ ҲИСОБИДА 27.780 СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқидан

## БИР ГЕКТАР ЕРДАН 20 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА ОЛИНГАНИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ МУМКИН




... ИЛҒОР КОЛХОЗЛАР ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 20 ЦЕНТНЕРДАН ЭМАС, БАЛКИ 40 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА ОЛМОҚДАЛАР. ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 40 ЦЕНТНЕР ПАХТА ЕТИШТИРИШ НИМА ДЕГАНИ? БУ — ЖАМИ ИККИ БАРАВАР КЎПРОҚ ҲОСИЛ ОЛИШ ДЕМАКДИР, МАҲСУЛОТНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАН КЕЛАДИГАН ДАРОМАД ЭСА ЯНГИ НАРХЛАРДА 9.080 СЎМ БЎЛАДИ. ПАХТА ЕТИШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ЖАМИ 3.524 СЎМ САРФ ҚИЛИНАДИ. БИР ГЕКТАР ЕРДАН ЯНГИ ПУЛЛАР БИЛАН 5.556 СЎМ, ЁКИ ЭСКИ ПУЛЛАР БИЛАН 55.560 СЎМ СОФ ФОЙДА ОЛИНАДИ.

БУНГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҲАМ ҚЎШМОҚ КЕРАК: ГЕКТАРИДАН 40 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА ҲОСИЛИ ОЛИНГАНИДА ХЎЖАЛИК 904 КИЛОГРАММ КУНЖАРАГА ЭГА БЎЛАДИ. БУ ЭСА 960 ОЗУҚА ЕДИНИЦАСИГА ЁКИ ҚАРИЙБ 10 ЦЕНТНЕР СУЛИГА БАРАВАРДИР. ЧОРВА МОЛЛАР АНА ШУ КУНЖАРА БИЛАН БОҚИЛГАНИДА 820 КИЛОГРАММ СУТ ЁКИ 2 ЦЕНТНЕР ГЎШТ ОЛИШ МУМКИН.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқидан

*КПСС Марказий Комитети Пленуми минерал ўғитлар, гербицидлар, заҳарли химикатлар ва бошқа кимёвий воситалар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш, оширилган тезликларда ишлайдиган кучли тракторлар ҳамда шу тракторлар билан ишлатиладиган машиналар, ўзиюрар шассилар, ғалла, маккажўхори ва силос комбайнлари, ғаллани ўриб олгандан кейин донни тозалайдиган ва саралайдиган машиналар, пахта териш машиналари, чорвачиликдаги ишларни механизациялаштирадиган ускуналар ва машиналар, органик ўғитлар солишни механизациялаштирадиган машиналар, автомашиналар ва транспорт тележкалари, ирригация ва мелиорация ишлари, тоғлик ерлар шароитида қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун керакли техника ишлаб чиқариш соҳасида катта тадбирларни амалга оширишни жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб ҳисоблайди.*

(КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1961 йил 18 январда қабул қилган қароридан).

### ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ТЎҚИМАЧИЛИК ТОВАРЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ ВИСТАВКАСИДА БЎЛДИЛАР

МОСКВА, 23 январь, (ТАСС). Тўқимачилик товарлари Бутуниттифоқ виставкаси очилиш арафасида Л. И. Брежнев Н. Г. Игнатов А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев ўртоқлар шу виставканинг Марказий виставка залида жойлаштирилган экспозициясини бугун кўздан кечирдилар.

Кўздан кечириш вақтида Союзглавторг бошлиғининг ўринбосари В. Ф. Ульянов, виставка директори А. В. Соколов, Бутуниттифоқ енгил саноат институти директорининг ўринбосари А. С. Богаева изоҳлар бериб туришди.

### Н. С. ХРУШЧЕВ КИЕВГА КЕЛДИ

КИЕВ, 24 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев Украина Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми ишида қатнашиш учун бугун Киевга келди.

### МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ИНСТИТУТИНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ

МОСКВА, (ТАСС). 23 январда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти коллективининг революцион назарияни пропаганда қилишнинг ана шу муҳим маркази ташкил топган куннинг қирқ йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Москвадаги кўпгина ташкилотлардан, Марксизм-ленинизм институтининг иттифоқчи республикалардаги филиалларидан, бир қанча социалистик мамлакатлар партия тарихи институтларидан юборилган табрикномалар ўқиб эшиттирилди.

### СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ МУЗОКАРАЛАР

МОСКВА, 24 январь, (ТАСС). Бугун Кремлда Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқаларини янада кенгайтириш тўғрисида музокаралар бошланди.

Музокаралар дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтмоқда.

